Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 25-yanvar. Shanba • 12 (31.759) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Муносабат

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ҳаяжон билан тинглаб, қалбим фахр-ифтихорга тўлди. Унда келтирилган факт ва рақамлар оиламиз, яқинларимиз тақдири, халқимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётганини яна бир бор чуқур ҳис этдим.

## 2014 йил — тараққиётимизнинг янги даврини бошлаб беради

Мен умрим давомида жуда кўп тизимларда меҳнат қилдим. Ҳозир ҳам жамоат ишларида фаол қатнашишга интиламан.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, 2013 йилда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилди, жорий йил ҳам бу сиёсат изчил давом эттирилади. Бу юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида қатъий белгилаб қўйилганлигидан далолат беради.

Ҳозирда маъруза вилоят фахрийлари томонидан ўқиб-ўрганилаяпти, жойларда ёшлар, фаоллар билан учрашувларда унинг мазмун-моҳияти аниқ мисоллар воситасида очиб берилаяпти. Хусусан, бу ютуқлар мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг меваси эканига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Маърузада келтирилганидек, 2014 йил мамлакатимизда 1 миллион иш ўрни яратилиши ёки 388 та массивда намунавий лойиҳа асосида 11 минг уй-жой барпо этилишини ўзимизга тасаввур этиб кўрайлик. Энг ривожланган давлатларда ҳам бундай кенг кўламдаги бунёдкорликларни амалга ошириш амримаҳол.

Бу интилиш ва саъй-ҳаракатлардан кўзланган энг олий мақсад аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, пенсионерлар, талабаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эришишдир.

Маърузада келтирилган маълумотлар ва илгари сурилган ғоялардан кўриниб турибдики, 2014 йилда мазкур йўналишдаги ишлар бундан-да юқори босқичга кўтарилади.

Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар барчамизни юрт равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш, ўзимиз меҳнат қилаётган соҳада фидойилик кўрсатиб ишлашга руҳлантирди. Айниқса, биз, маҳаллий Кенгашлар депутатларидан катта масъулият талаб этилади. Одамлар орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг муаммолари, орзу-истакларини ўрганиб, аниқ таклифлар билан чиқишимиз лозим. Халқимиз ҳаётдан рози бўлиб, тинч-хотиржам яшаши, юксак марраларни забт этиши учун Ўзбекистонимизда барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Энди эса ҳамжиҳатликда, қўлни-қўлга бериб навбатдаги вазифаларни сидқидилдан адо этишимиз зарур.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,**
**халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.**

ЎзХДП: электорат манфаати

# Партия ташкилоти билан депутатлик гуруҳи

## ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади



ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасининг халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи фаоллигини оширишга қаратилган муҳим масалалар муҳокама этилди.

Дастлаб давлатимиз раҳбарининг «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» номли маърузасидан келиб чиқиб, ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

*Давоми 2-бетда.*

2014 йил — Соғлом бола йили

# Шифокорлар ҳамкорлиги аҳоли саломатлигига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга, замонавий тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол ҳамкорлиги бу борадаги ишларни самарали амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Корея Республикасининг «Ewha Womans University» госпитали ҳамкорлигида ташкил этилган тиббий кўрик бунга мисолдир.

Кардиолог, уролог, педиатр, офтальмолог, жарроҳ ва фармацевтлардан иборат Жанубий кореялик шифокорлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда Тошкент шаҳри ва вилоятида тўрт юз нафардан зиёд беморни бепул тиббий кўрикдан ўтказди. Жарроҳлик операциялари амалга оширилди.

— Тиббий кўрик давомида беморларнинг ҳолати чуқур таҳлил қилиниб, аниқ ташхислар қўйилди, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази раҳбари Ҳотам Ризаев. — Улар Жанубий Кореядан келтирилган зарур дори-дармонлар ва санитария-гигиена воситалари билан ҳам таъминланди. Бу каби хайрия тадбирларининг мунтазам ўтказилиши аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шунингдек, соҳада икки томонлама тажриба алмашишга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Умида Саъдуллаеванинг икки фарзанди тиббий кўрикдан ўтиб, муолажа учун зарур дори воситалари билан таъминланди.

— Иккала фарзандим ҳам сурункали тонзиллит (ангина) хасталиги билан оғрийди, — дейди У.Саъдуллаева. — Жанубий Кореядан ташриф буюрган малакали мутахассислар касалликни даволаш бўйича зарур маслаҳат ва тавсиялар беришди. Бундай улкан эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз.

— Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилингани диққатга сазовор, — дейди «Ewha Womans University» госпитали профессори, шифокор Ву Сук Чунг. — Зотан, мамлакат тараққиётининг асоси соғлом авлоддир. Ўзбекистонда тиббий хизмат жаҳон андозалари даражасига кўтарилгани, шифохоналарда замонавий шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Бу аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган улкан эътиборнинг амалий ифодасидир.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Янгилик

**«Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг расмий сайтидаги маълумотга кўра, жорий йилдан Асакадаги «GM Uzbekistan» ЁАЖ томонидан Chevrolet бренди остида янги «Chevrolet Orlando» автомобили ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.**

# Мамлакатимизда «Chevrolet Orlando»

## автомобили ишлаб чиқарилади



GM компаниясининг ўрта ўлчамли етти ўринли «miniveni Chevrolet Orlando»нинг тақдимоти дастлаб 2008 йили Париж автосалонида ўтказилган эди. Орадан икки йил ўтгач, ушбу автомобиль сотувга чиқарилди. Оммабоп «sedan-Chevrolet Cruze» платформасидаги беш эшикли ва етти ўриндиқли оилавий автомобиль ажойиб ташқи кўринишга эга.

Янги автомобилнинг барча бошқарув тугмалари қулай жойларга ўрнатилган.

Европа бозорида «Chevrolet Orlando» комплектациясининг уч хил: «Base», «LS» ва «LT» тури тақдим этилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ушбу модель олди ўриндиқда ўтирган йўловчи ва ҳайдовчи учун мўлжалланган хавфсизлик ёстиқчалари билан таъминланган. Орқа тарафни кўрсатувчи ён ойналар эса иситиш тизими билан жиҳозланган. Бошқарув қурилмасини (руль устунини) ҳайдовчининг бўйи ва гавдасига мослаштириш, олдинги ўриндиқларни тўрт йўналиш бўйича силжитиш мумкин бўлади. Бундан ташқари, автомобилда ёмғир датчиги, иқлим ва круиз назорат тизимлари каби қўшимча имкониятлар бўлиши кўзда тутилган.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**
**тайёрлади.**

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# Ижтимоий масалалар ечимида

## муносиб иштирок этишимиз зарур

**Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузаси жойларда чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан Қизилтепа туман кенгашида Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоят партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида ўтказган минтақавий ўқув семинар ҳам маърузадан келиб чиқадиган вазифалар, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотларининг ишини янада кучайтириш масалаларига бағишланди.**

2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Янги иш ўринлари яратиш — долзарб масала

**ЎзХДПдан сайланган депутатлар бандликни таъминлашда фаол иштирок этишни ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблашмоқда**



www.uzbekistonovozi.uz

Нуқтаи назар

**Барно СОЛИЕВА,**
*ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши сектор мудири:*



***— Кучли партияни кучли аъзолар шакллантиради. Партия ғоялари ҳаётда ўз ифодасини топишида аъзолар қўллаб-қувватлаши, уларнинг фаоллиги ҳамда қатъияти муҳим аҳамият касб этади. Дунё давлатларидаги турли партиялар, уларнинг сайловларда кўрсатган натижалари бу фикрнинг тўғрилигини бир неча бор исботлаган. Шундан келиб чиқиб мулоҳаза юритадиган бўлсак, партиямиз жамиятда мустаҳкам ўрин топиши учун аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини таъминлашга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга эътиборни кучайтираётгани катта аҳамиятга эга, албатта.***

***Аъзолар қачон фаол бўлади? Уларда фуқаролик позициясини шакллантириш учун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз керак?***

***Менимча, биринчи навбатда партиямиз тизимидаги ахборот-маърифат хоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларни ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар, мамлакатимиз ва хорижда чоп этилаётган илмий ҳамда даврий нашрлар билан таъминлаб бориш керак. Маълумки, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларининг Ахборот-маърифат хоналари сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларни ташкил этишда муҳим ахборот ва услубий манба бўлиб келмоқда. Электорат вакилларининг сиёсий дунёқараши, фуқаролик маърифатини юксалтиришда умумий, юзаки маърузалар ўрнига қонун ҳужжатлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, даврий матбуот нашрларидаги чиқишлар ўрганилиб, муҳокама қилинса, тадбирдан кутилган самара бўлади.***

***Ҳозирги кунда Андижон вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари Ахборот-маърифат хоналарида 1200 дан ортиқ сиёсий-ҳуқуқий, илмий-бадиий адабиётлар мавжуд. Ўқув машғулот материаллари услубий қўлланма сифатида тайёрлаб борилмоқда. Айтиш жоизки, Қўрғонтепа, Асака, Избоскан, Бўз туман партия кенгашларида ахборот-маърифат хоналари фаолияти нисбатан яхши йўлга қўйилган.***

***Аммо Ахборот-маърифат хоналари фаолиятига етарли эътибор қаратмаётган туман кенгашлари борлигини инкор этиб бўлмайди. Ўзимизда ва хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, партиямиз фаолиятидаги янгиликлар билан партиядошлар, хайрихоҳлар доимий равишда танишиб бориши, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишда Ахборот-маърифат хоналари муҳим аҳамиятга эга. Демак, бу соҳадаги ишимизни такомиллаштириб боришимиз лозим.***

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА**

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Президент Ислом Каримовнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишда партиянинг иштироки масалаларига бағишланган семинар ўтказди.**

***Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонларидан бирида ўқийсиз.***

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

*Агар депутатларимиз ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, юзага келаётган муаммоларни маҳаллий Кенгаш ваколатлари доирасида ҳал этиб боришга эришса, Дастур ижроси сўзсиз таъминланади.*

# Ижтимоий масалалар ечимида

## *муносиб иштирок этишимиз зарур*

Семинарда қайд этилганидек, маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг иштирокини кенгайтириш зарур. Шу орқали партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошади, электоратни ўйлантираётган масалалар ҳал этилади.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий-сиёсат масалалари бўлим мудири:**

— Биз, аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга эътиборни янада кучайтиришимиз керак. Аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар учун иш ўринлари ташкил этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Агар депутатларимиз ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб, юзага келаётган муаммоларни маҳаллий Кенгаш ваколатлари доирасида ҳал этиб боришга эришса, Дастур ижроси сўзсиз таъминланади. Президентимиз таъкидлаганидек, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси ишли бўлди. Аммо шунга қарамасдан, айрим ҳудудларда битирувчилар бандлигини таъминлашда муаммолар ҳам бор. Улардан бири битирувчи мутахассис сифатида ҳар доим ҳам иш берувчининг талабига жавоб бермаслигидир. Шундай камчиликларнинг олдини олиш учун депутатларимиз касб-ҳунар коллежларидаги давомадларнинг аҳволи билан қизиқиб кўриши керак.

Тасаввур қилинг, уч йил касб-ҳунар коллежида яхши билим олмаган бола қандай мутахассис бўлиб чиқади? Коллеж ўқувчиларини дарсларга тўлиқ қатнашиши борасида ота-оналар масъулиятини ошириш керак. Бугунги кун депутати муаммо борлигини айтиш билан чегараланмаслиги, унинг ечимларини ҳам кўрсатиши даркор.

Тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида мутасадди раҳбарларнинг ахбороти ва ҳисоботини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессия ва доимий комиссияларида, депутатлик гуруҳлари йиғилишларида эшитиб бориш, ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг истиқболли лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, Соғлом бола йилида белгиланган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, халқ депутатлари Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзоларининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинди.

**Шерали УМАРОВ,**
**ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:**

— Фаолиятимизни йилдан-йилга кучайтириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, 2013 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан 7 та масала ўрганилди, 2 таси доимий комиссияларда муҳокама этилди, 3 та масала эса тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинишига эришилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, партия депутатлик гуруҳлари эътиборидан четда қолаётган айрим масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатларни таҳлил этиб бориш, электорат билан боғлиқ масалаларни комплекс ҳал этишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Навбаҳор, Хатирчи ва Конимех туманларида тоза ичимлик суви қувурларини янгилаш, янги йўллар барпо этиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Шунинг билан бирга, ҚВПлар фаолиятини янада яхшилаш, коммунал соҳага оид хизматлар сифатини ошириш устидан таъсирчан депутатлик назорати олиб бориш зарур, деб ҳисоблайман.

> Айрим туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз масалани сессия муҳокамасига киритиб, шу билан чекланиб қолаётгани, қарор ижроси қандай бажарилаётгани билан қизиқмаётгани ҳоллари учраб турибди. Демак, сессияда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни изчил кучайтириш долзарб вазифадир.

**Камолбой ИСАБЕКОВ,**
**ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси:**

— Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашида 13 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 187 нафар депутатимиз фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили 20 масала партия депутатлик гуруҳларида, 12 таси доимий комиссияларда муҳокама этилди. 7 масала эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига киритилиб, улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Албатта, буни етарли, деб бўлмайди. Шу билан бирга, айрим туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз масалани сессия муҳокамасига киритиб, шу билан чекланиб қолаётгани қарор ижроси қандай бажарилаётгани билан қизиқмаётгани ҳоллари ҳам учраб турибди. Демак, депутатлик гуруҳларимиз сессия қарорлари ижроси устидан назоратни изчил кучайтириши талаб этилади.

**Саида ЖЎРАЕВА,**
**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:**

— Вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг ўз ўрни бор. 2013 йилда 28 та масала партия депутатлик гуруҳларида, 3 таси доимий комиссияларда муҳокама этилган бўлса, 15 таси эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига киритилди. Таҳлилларга кўра, сервис ва хизмат кўрсатиш, коммунал соҳа, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ масалалар уларнинг асосий қисмини ташкил этади. Жорий йил депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини янада яхшилаш, иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратишни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, тадбирда **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуқаҳҳор Юсупов, ЎзХДП Вобкент туман кенгаши раиси Толиб Авезов** ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Семинарда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди. Хусусан, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг манзиллилигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш каби долзарб масалалар партия фаоллари, депутатларнинг асосий эътиборида бўлиши кераклиги таъкидланди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

► *Давоми. Боши 1-бетда.*

ЎзХДП: электорат манфаати

Қайд этилдики, бугун ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда, ушбу стратегик вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг иштирокини кучайтириш талаб этилаяпти. Партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, фаолият кўрсатиши зарур бўлади.

# Партия ташкилоти билан депутатлик гуруҳи

## ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

— Маърузада Президентимиз юртимиз ҳаётидаги муҳим ислоҳотлар ҳақида тўхталаркан, сиёсий партиялар фаолияти ва масъулиятини кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратди, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев**. — Албатта, билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари бўйича партиямиз позициясини шакллантириб боришимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муқобил таклифларни илгари суришимиз лозим. Бунинг учун, аввало, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда партиянинг барча тузилмалари иштирокини кучайтириш зарур. Бу ҳақда гап кетганда, партиямизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи дастур бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билангина чекланмаслиги керак, деб ўйлайман. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча ишсиз фуқаролар учун қўшимча иш жойлари ташкил этиш бўйича амалий чоралар кўришда янада кўпроқ қатъият кўрсатиши, партия ташкилотлари уларга бу жараёнда яқиндан ёрдам бериши талаб этилади.

Маҳаллий ресурслар эвазига қўшимча инвестицион лойиҳаларни шакллантириш, ёш оилаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган ишларни кучайтириш, бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгилаб олишимиз керак.

► *Давоми. Боши 1-бетда.*

**Йиғилишда, шунингдек, партия фаоллари ва депутатлар Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўтарилган ғоялар, ўртага қўйилган муҳим вазифалардан келиб чиқадиган, Соғлом бола йилида қилиниши лозим бўлган ишларга алоҳида эътибор қаратишди.**

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига ЎзХДП электорати манфаатларидан келиб чиқиб таклифлар бериш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олишимиз зарур, дейишди сўзга чиққанлар. Масалан, «Хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш» ойлигини ўтказиш яхши самара беради. Шунингдек, болаларни жисмоний соғломлаштириш йўлидаги ишларни ўрганиб, таклифларни депутатлик гуруҳи орқали доимий комиссиялар ва сессия муҳокамасига олиб чиқиш муҳим вазифалардан эканлиги таъкинланди.

Йиғилишда ЎзХДП Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашларида «Бошланғич партия ташкилотлари куни»ни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, етакчилар салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши Матбуот хизмати.**

Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари

*Кўпгина хорижий давлатларда бўлиб ўтаётган сайловлар натижаларига кўра, либерал ғояларни илгари сураётган сиёсий партиялар ўз мавқеини йўқотиб бораяпти.*

# Одамлар ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир этувчи ғоялар

## *фаол қўллаб-қувватланмоқда*



●●● Бугун дунёда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз нафақат мамлакатлар тараққиётига таъсир этмоқда, балки сиёсий қарашларни ҳам ўзгартириб юбормоқда.

Халқаро экспертлар, тадқиқотчиларнинг хулосаларига таяниб айтиш мумкинки, фақатгина иқтисодиётни ривожлантиришга зўр бериш орқали мамлакатни тараққий эттириб бўлмас экан. Иқтисодий жиҳатдан ривожланиш бошқа ҳамма муаммоларни ҳал қилади, деган қарашлар ўзини оқламаганига кўпчилик ишонч ҳосил қилмоқда.

Буни дунё мамлакатларида сиёсий ғояларга муносабат ўзгариб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Таҳлиллар кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда одамлар ижтимоий ҳимоя ғояларини илгари сураётган сиёсий партияларни фаол қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда.

Мисол учун, Марказий Европада жойлашган Словакия Республикасини олиб қарайлик. Бу давлатнинг парламенти — Словакия Республикаси Миллий Кенгаши 150 нафар депутатдан иборат. 2012 йил 10 мартда мамлакат парламентига сайловлар бўлиб ўтди. Унда жами 26 та сиёсий партия иштирок этди. Шундан фақат 6 таси парламентда ўз фракциясини тузиш учун етарли овозга эга бўлди. Қолганлари сайловчиларнинг 5 фоизидан кам овоз олгани учун парламентда ўз вакилларига эга бўла олмади.

Социал-демократия курси партияси Словакия ёшларининг иш билан таъминланишини, доимий иш ўринларига эга бўлмаган кишиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, меҳнат қонунчилигини ёлланма ишчилар манфаатларидан келиб чиқиб ривожлантириш, оддий одамлар учун тиббий суғурта нархини арзонлаштириш каби ижтимоий масалаларни илгари сурди. Кам даромадли одамларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ўртага қўйди.

Бу партия ғояларини сайловчиларнинг 44 фоизидан ортиғи ёқлаб овоз берди. Бунинг натижасида партия парламентдаги 150 ўриндан 83 тасини қўлга киритди. Бу аввалги сайловда эришилган натижадан 21 ўринга кўп демакдир.

Словакиядаги барча сиёсий партияларнинг сайловдаги иштироки, натижалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтишнинг имконияти йўқ, албатта. Аммо маълумот учун айтиш керакки, Оддий одамлар ва мустақил шахс партияси 16 та, Христиан демократик ҳаракати партияси 16 та, Мост партияси 13 та, Словакия демократик ва христиан иттифоқи партияси 11 та, Эркинлик ва бирдамлик партияси 11 та ўринни қўлга киритди.

Кўриниб турибдики, ижтимоий ҳимоя ғояларини фаол илгари сураётган, давлат бюджетини соғломлаштириш, давлат қарзларини фуқаролар ҳисобидан қопламаслик таклифини кўтараётган партия рақибларига нисбатан кескин фарқ қиладиган даражада юқори кўрсаткичга эришди. Натижада ҳукумат фақат битта партиянинг вакилларидан шакллантирилди.

Жаҳон мамлакатларида бўлаётган сайловлар натижаларини кузатадиган бўлсак, яна бир ҳолат, яъни либерал ғояларни илгари сураётган сиёсий партиялар ўз мавқеини йўқотиб бораётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, Словакия эркинлик ва бирдамлик партияси либерал ғояларни илгари сурадиган сиёсий партия ҳисобланади. Унинг асосий ғоялари иқтисодиёт соҳасида классик либерализмга асосланган. Шу сабабли ҳам бу партия мамлакат парламентида бор-йўғи 11 ўринни эгаллади. Ундан аввалги сайловда эса либерал партия 22 та мандатни қўлга киритган эди. Кўриниб турганидек, охирги сайлов натижасига кўра бу партия ўзининг парламентдаги ярим ўрнини йўқотди.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам тараққиётдан барча манфаатдор. Албатта, иқтисодиёт ривожланиши керак. Аммо иқтисодиётнинг ўсиб бориши бир вақтнинг ўзида айрим гуруҳлар манфаатига эмас, ижтимоий ислоҳотларни изчил олиб бориш, жамиятнинг ҳар бир аъзосига муносиб турмуш кечириш бўйича шароитлар яратиб беришга хизмат қилиши керак. Акс ҳолда, мамлакатда бир соҳанинг кескин илгарилаб кетиши, одамлар ўртасида ижтимоий тафовут кескинлашиб, жамиятда ижтимоий беқарорлик ва бошқа кўплаб салбий оқибатлар пайдо бўлишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда кўплаб мамлакатларда аҳоли айнан ижтимоий ҳимоя, фуқароларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган ғояларни илгари сураётган сиёсий партияларни қўллаб-қувватламоқда.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2014-yil, 25-yanvar. Shanba • 12 (31.759)-son
www.uzbekistonovozi.uz



**Тарихий хотирасиз келажак йўқ**

*Самарқанднинг иқлими мўътадил, урф-одатлари эътиборга молик. Бу ерда барча хорижий мамлакатлардан келган одамларни учратиш мумкин.*

# САМАРҚАНД — ХИТОЙ САЙЁҲЛАРИ НИГОҲИДА

*Амир Темур ва темурийлар давлатининг пойтахти — кўҳна Самарқанд шаҳри қадим-қадимдан кўплаб тадқиқотчи ва сайёҳларни ўзига жалб этиб келган. Ҳозирда Самарқанд ҳақидаги маълумотларни қамраб олган саккизта хитой сафарномалари сақланиб қолган.*



**Уларнинг энг қадимийси «Му-Тянзи чжуан» («Тангри ўғли Му ҳақида баён») деб номланади. Ушбу асар милоддан аввалги V асрда ёзилган бўлиб, эгаси билан дафн этилгани боис 700 йилдан сўнг қабр ичидан топилган. У мазмунан милоддан аввалги 1122-247 йилларда мавжуд бўлган Циэу (Чжоу) номли давлат ҳукмдори Мунинг (мил.ав. 1001-945 йилларда яшаган) Хитойдан ғарбда жойлашган ҳудудларга қилган сафарига бағишланган.**

Асарда таъкидланишича, Му милоддан аввалги 989-988 йилларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб, Каспий денгизининг ғарбий томонидаги мамлакатларга сафар қилган. Сафар биринчи йилининг ёз ойида Му ҳамроҳлари билан Помирдан ўтиб йигирма беш кундан зиёд йўл юргач, Кивенғон деб номланган бир жойга етиб келган. Бу ернинг ҳукмдори билан учрашган ҳамда унинг меҳмони бўлган.

Жумладан, ушбу сафарномада **«Мил. ав. 989 йил еттинчи ойининг ўнинчи куни ҳукмдор Му Кивенғонга етиб келди. Бу ерда иқлим илиқ, тариқ, буғдой, ўт-ўлан кўп, ит, от, қорамол ва қўйлар сон-саноқсиз, бебаҳо ашёлар кўп экан. У ўн учинчи куни барча амалдорлар билан зиёфатда бўлди. Шунда маҳаллий ҳукмдор Уфу 500 та зотли от, 300 та ишлашга ўргатилган мол, 70 та зотли ит, 200 ишга ўргатилмаган қорамол, 300 ёввойи от, 2000 та сигир ва қўй, 300 арава тариқ ва буғдой совға қилди. Му эса бунинг эвазига 47 сариқ олтин қуймаси, 50 та қимматбаҳо белбоғ, 3 тизиқ маржон ҳадя қилди»**, деб ёзилган. Мазкур сафарномада Самарқанд Кивенғон номи билан аталган.

Самарқанд ҳақида маълумот берувчи қадимий хитой сафарномаларининг яна бири — «Да Танг Шиюй цзи» («Буюк Танг давридаги ғарбий мамлакатларга оид хотиралар») номли асардир. Унинг муаллифи — будда динининг роҳиби Шюан Занг (596-664) Ҳиндистонда ўн етти йил яшайди. У 631-632 йиллари Самарқандга келади. Ватанига қайтганидан сўнг, ўз сафари давомида ёзиб олган хотираларини тартибга солиб, яхлит бир китоб шаклига келтиради.

Асарда Самарқанд шаҳри, унинг маркази, ҳукмдори, армияси, иқлими, урф-одатлари, халқаро савдо муносабатларидаги обрў-эътибори қуйидагича таърифланади: **«Самарқанд (Самуожян) давлатининг ҳудуди айланмасига (диаметри) 1600-1700*ли* (921.6-979.2 км) келар экан. У шарқдан ғарбга қараб чўзилган йирик давлат ҳисобланади. Пойтахт шаҳрининг ҳудуди айланмасига 20*ли* (11.52 км)дан зиёд ва унинг деворлари ниҳоятда мустаҳкам, аҳолиси катта нуфузга эга. Хорижий мамлакатлардан олиб келинган қимматбаҳо моллар шу ерга тўпланган. Ерлари серҳосил, деҳқончилик ривожланган, мевалари сероб, зотли отлар кўп. Самарқанднинг иқлими мўътадил, урф-одатлари эътиборга молик. Бу ерда барча хорижий мамлакатлардан келган одамларни учратиш мумкин. Узоқ-яқиндан келган кишилар даромад олиш мақсадида тинмай меҳнат қиладилар. Ҳукмдори қобилиятли ва серғайрат, қўшни давлатлар унинг сўзини икки қилмайди. Отлиқ қўшинлари кучли, аскарларининг ҳаммаси қўрқмас жангчилар, улар ниҳоятда ғайратли, ўлимга тик бора олади ва жангда орқага чекинмайди».**

Самарқанд ҳақида хабар берувчи навбатдаги сафарнома — «Ду Хуан жингшинг жи» («Ду Хуан борган ва юрган жойлар хотираси») номли асар ҳисобланади. Унинг муаллифи Ду Хуаннинг аниқ туғилган ва вафот этган санаси номаълум. Аммо унинг 751 йилда араблар ва хитойлар ўртасида бўлиб ўтган жангда асир тушган зобитлардан бири экани тарихдан маълум. У ўн икки йил давомида Туркистоннинг турли ерларида ва араб мамлакатларида бўлган. 762-763 йилларда асирликдан озод бўлиб, денгиз йўли орқали Хитойга қайтганидан сўнг кўрган-кечирганлари ҳақида китоб ёзади. Сафарномада Самарқанднинг **«ерлари ҳосилдор, аҳолиси кўп бўлишига қарамасдан, мамлакат катта эмас. Унда оловга сиғинувчилар ибодатхонаси мавжуд. Давлат ишлари билан шуғулланувчилар айнан мана шу шаҳардан етишиб чиқар экан»**, деб таъкидланади.

Вэй Же исмли сайёҳ қаламига мансуб яна бир асар «Шифан жи» («Ғарбдаги қўшни мамлакатлар хотираси») деб аталади. Лекин у бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ундан 766-801 йилларда Ду Ю исмли муаллифнинг қаламига мансуб бўлган «Тунгдян» («Қонун-қоидалар ва урф-одатлар баёни») номли китобда баъзи парчалар келтирилади.

Асарда Самарқанд ҳақида қуйидагилар баён этилган: **«Самарқанд (Канг) давлатининг одамлари савдо ишларига пишиқ, болаларни беш ёшидан ўқитишади. Улар ёшлигидан савдо ишлари ва фойда олишга ўргатилади. Бундан ташқари, улар қўшиқлар айтишни ҳам ёқтиради. Янги йил олтинчи ойининг биринчи кунидан бошланади. Шу куни ҳукмдорлар ва фуқаролар янги кийим кияди, соч-соқолларини тартибга солиб юришади. Пойтахтнинг шарқий томонидаги дарахтзорда етти кун давомида от чопиш ўйини бўлади. Сўнгги куни битта тилла тангани осиб қўйиб, уни ўқ-ёй билан нишонга олиш мусобақаси ўтказилади. Тангага ўқи теккан киши бир кун давомида тахтга ўтқизилади. Фуқаролари тангрига қаттиқ эътиқод қилади ва барча ишларида ундан мадад сўрайди».**

«Шиюу лу» («Ғарбий саёҳат хотиралари») номли сафарнома 1218 йилда Чингизхоннинг Туркистонга ҳарбий юриши даврида хонга маслаҳатчи сифатида ҳамроҳлик қилган ва этник келиб чиқиши қорахитой (қидан)лардан бўлган Елюй Чуцай (1190-1244) қаламига мансубдир.

Сафарномада келтирилишича, «Самарқанд «Семизкент (Шюнсиган) деб номланган. Ғарбликлар тилида бу бой шаҳар демакдир. Унинг ерлари серҳосил бўлгани, Зарафшон (Бинхэ)дарёси бўйида жойлашгани сабабли Ғарбий Ляо фуқаролари ушбу шаҳарни Хэчжунг-фу, яъни **«Дарёлар оралиғидаги шаҳар» деб аташган. Семизкент аҳолисининг нуфузи катта. У ерда тилла ва мис тангалар ишлатилади. Атрофидаги ерларнинг ҳаммаси боғлар ва дарахтзорлардан иборат. Уйлари ҳовлили, ҳовлилар эса манзарали. Қушларнинг учиб юриши, булоқлардан ҳосил бўлган ариқ сувларининг ҳовузларни тўлдириб оқиши, толлар бири бирига туташиб, шафтоли ва нок дарахтларининг қатор тизилиб тургани кўзга яққол ташланади. Қовунларининг катталиги отнинг бошидек, шакли чўзинчоқ бўлади. Тариқ, майда донли гуруч ва йирик донли ловиялардан ташқари барча экинлар экилади. Ёз фаслида ёмғир ёғмайди, экинлар ариқлар орқали олиб келинган сув билан суғорилади. Узумни ачитиб мусаллас қилишади... Бу ерда тут дарахти ўсади, ипакчилик билан шуғулланувчилар пилладан олинган ипакдан мато тўқийдилар. Ундан тикилган кийимлар ялтираб туради. Маҳаллий халқ оқ кийимни байрам, кўк рангли кийимни эса мотам либоси деб билади. Шунинг учун кўпчилик оқ рангли либосда юради».**

Самарқанд ҳақида маълумот берувчи яна бир сафарнома «Чангчуэн-чжэнгрен шиюу жи» («Чангчуэн-чжэнгреннинг ғарбий саёҳат хотираси») Ли Чжичанг исмли муаллиф томонидан яратилган. Унга 1219-1223 йилларда Чингизхоннинг буйруғи билан ўн саккиз нафар хитойликлар ҳамроҳлигида Олтой, Жунғор текислиги, Или водийсидаги Сайром кўли, Тараз (Талас), Тошкент ва Самарқанд орқали шимолий Афғонистонга сафар уюштирган Чюэ Чужи исмли шахснинг хотиралари асос қилиб олинган.

Асарда Самарқанд қуйидагича таърифланган: **«Қалъа канал қирғоғида жойлашган, ёзда ва кузда ёмғир ёғмагани сабабли маҳаллий одамлар иккита канал қазиб, сувни шаҳар ичидан ўтказишган. Бу каналларнинг ирмоқлари кўчалардан ўтган ва маҳаллий аҳоли мазкур ирмоқларнинг сувидан фойдаланади. Умуман олганда, сув масаласида уларда қийинчилик йўқ. Илгари шаҳарда юз мингдан зиёд оиланинг яшагани маълум. Янги сарой шаҳар ўртасидаги баландлиги 33.3 метр келадиган тепалик устида бунёд этилган».**

1263 йилда ёзилган «Ши шы жи» («Ғарбга юборилган элчи хотиралари») номли сафарнома ҳам Самарқанд ҳақида қизиқарли маълумотларни ўзида мужассам этгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Унинг муаллифи Лю Юй ўз асарида 1259 йилда мўғуллар хоқони Мэнкэ (Мэнгэ) фармони билан Туркистонга элчи этиб юборилган Чанг Дэнинг сафар хотираларини баён этган.

Китобда Самарқанд ҳақида қуйидаги фикрлар келтирилади: **«1259 йил учинчи ойининг саккизинчи куни Самарқанд (Шянсиган)да бўлдим. Шаҳар катта ва аҳолиси кўп. Менинг сафарим барча гулларнинг очилган пайтига тўғри келди. У ерда Хитойда учрамайдиган турли хил гуллар кўп экан. Шаҳарнинг ғарбий чеккасида асосан мева ва ўсимликлар — узум ва бошоғи кичик шоли кўп. Шунингдек, кузги буғдой ҳам экилар экан. Теварак-атрофда Хитойда учрамайдиган бир неча ўн хил доривор ўсимлик ўсар экан».**

Сарой амалдорлари Чэн Чэнг ва Ли Шян қаламига мансуб «Шиюй фангуо чжи» («Ғарбий заминдаги қўшни мамлакатлар ҳақида баён») номли асар Самарқанд ҳақида нисбатан батафсил маълумотларга эга экани билан ажралиб туради. Жумладан, унда шундай дейилади: **«Самарқанд (Санмаэрхан) замини кенг ва текис, тоғ ва водийлари гўзал, ерлари серҳосил, шимолга қараб оқадиган дарё ва ариқлар мавжуд. Аҳоли шаҳар қалъасининг шарқ томонида истиқомат қилади. Қалъа текис жойга қурилган, унинг шарқидан ғарбигача бўлган масофа 10*ли* (5.76 км)дан, шимолидан жанубигача бўлган масофа эса 5-6*ли* (2.88-3.46 км)дан зиёд. Унинг олтита дарвозаси мавжуд, қалъа девори ўтиб бўлмайдиган чуқур канал билан ўралган. Шаҳарнинг шимол томонида кичик қалъа мавжуд. Ҳукмдор яшайдиган сарой унинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, унинг кўркамлигини фақатгина Ҳирот саройи билан таққослаш мумкин. Шаҳарнинг аҳолиси кўп ва гавжум, кўчалари тўғри ва бири бирини кесиб ўтади. Дўконлар зич жойлашган. Ғарб ва жанубдаги қўшни давлатлардан келган меҳмонлар ушбу шаҳарга йиғилишади. Сотиладиган товарларнинг турлари кўп. Савдо-сотиқ ишларида маҳаллий шароитда зарб этилган кумуш тангалардан фойдаланилади. Ҳиротдан келганлар ҳам шу пул воситасида савдо қилади. Кўчаларда ва устахоналарда спиртли ичимликларни ичиш тақиқланган. Қассоблар қўй ва қорамолларнинг қонини ишлатмайди ва уни ўра кавлаб кўмиб ташлайди. Қалъанинг шимоли-шарқий қисмида хом ғиштдан қилинган бир бино бўлиб, у мусулмонларнинг Яратганга сажда қиладиган маскани экан. Ушбу бино ниҳоятда кўркам, яшил тошлар ва нақшлар билан безатилган. Унинг тўрт томони кенг айвон, ўртасида тиловат ва оятларни тафсир қилиш учун хона жойлашган. У жойда мутолаа этиладиган Қуръонлар қўй териси билан муқоваланган, хатлари эса олтин суви билан безатилган. Одамлари чиройли ва қобилиятли. Бу ерда олтин, кумуш, мис, темир ва гилам ишлаб чиқарилади. Турли хилдаги оқ терак, қора тол, мажнун тол, шафтоли, ўрик, нок, олхўри дарахтлари, узум, қизил гуллар бисёр. Заминида барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўсади. Маҳаллий аҳолининг урф-одатлари Ҳиротникидан фарқ қилмайди».**

Асар муаллифларининг таъкидлашича, улар 1414 йил биринчи ойининг ўн учинчи куни Шэнши ўлкасидан сафарга отланиб, еттинчи ойининг йигирма биринчи куни Самарқандга етиб келган. Мазкур сафарномада келтирилган маълумотлар жаҳон тарихида Амир Темур ва темурийлар давлати деб ном олган буюк давлатнинг пойтахти Самарқанд шаҳрида Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари туфайли мисли кўрилмаган ривожланиш содир бўлганига яққол далил бўлади.

Чэн Чэнгнинг Самарқанд ҳақидаги маълумотлари Хитой Халқ Республикасининг Сичуан ўлкасида сақланаётган «Мингшан цанг» («Мингшан фонди») номли тўпламнинг Марказий Осиёга оид қисмида қисқартирилган ҳолда келтирилади. Ушбу манбанинг 6320-6383 варақлари Хитой томонидан Амир Темур музейига совға қилинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида тилга олинган хитой сафарномаларининг муаллифлари ўз асарларида Самарқанднинг қадимий ва ўрта асрлар тарихига оид қизиқарли ва муҳим фикрларни ёзиб қолдирган. Уларда Самарқанд шаҳрининг гўзал манзараси, аҳолининг зич жойлашгани, дўконлар ва бозорлар чет эл молларига ва қимматбаҳо нарсаларга тўла бўлгани таъкидлаб ўтилади. Муаллифларнинг якдил фикрига кўра, милодий V-XV асрлар оралиғида Самарқанд йирик халқаро савдо маркази, обод ва ривожланган шаҳар сифатида ном қозонган. Самарқанд билан савдо ҳамда бошқа иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдор бўлган хорижликлар бу шаҳарга қизиққанлар ва у ерга интилганлар. Натижада, Самарқанднинг довруғи кенг ёйилиб, аҳолисининг нуфузи ортиб борган. Бу эса ўз навбатида, аҳоли турмушининг фаровонлашувига ва маданиятининг юксалишга хизмат қилган.

**Аблат ХЎЖАЕВ,**
**ЎзРФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори.**




## Иқлим совийдими ёки исийди?



### Бу ҳақда турли фикрлар билдирилмоқда

Кейинги пайтларда сайёрамиз иқлими ҳақида дунё олимлари томонидан турлича фикрлар билдирилмоқда. Яъни, айрим олимлар Ер шарида навбатдаги музлик даври яқинлашаётганини илмий кузатув ва башоратларга таянган ҳолда баён этаётган бўлсалар, баъзи олимлар аксинча, ҳароратнинг глобал кўтарилиши ҳақида бонг урмоқдалар. Масалан, япон олимлари, жумладан, таниқли океаншунос Мототака Накамура музлик даври «эшик қоқаётгани» ҳақида баёнот билан чиқди.

Ҳаво шунчалик совиб кетиши мумкинки, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, ҳозирги тропик ўлкалар ҳам муз билан қопланар экан. Бундай ҳолат сайёрамиз тарихида кузатилган. Маълумотларда қайд этилишича, Ер юзида ҳар бири 10 минг йилгача давом этган 15 та музлик даври бўлган. Айни пайтда биз навбатдаги музликлараро даврни бошдан кечирмоқдамиз. Иқлимни узоқ муддат кузатиш натижалари шундай фикр билдиришига асос бўлмоқда.

Пулково расадхонасида Қуёшни кузатиш билан шуғулланадиган россиялик олимлар ҳам глобал совиш юз бериши ҳақида фикр билдиришган. Уларнинг сўзларига қараганда, кейинги йилларда Қуёшнинг фаоллиги пасаяётганлиги кузатилмоқда. Албатта, бу тахминларга қарши чиқаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

Ҳозирча қайси томон ҳақлиги тўғрисида мухтасар баҳо беришга фан бироз ожизлик қилмоқда.

## Идишлар ҳам



### бош оғриғига сабабчи бўлади

Пластик идишда сув ичиш ёки овқат истеъмол қилиш мигрен (вақти-вақти билан тутадиган қаттиқ бош оғриғи) ривожланишини келтириб чиқаради. Бу пластик таркибида мавжуд бўлган «Бисфенол А» бирикмаси билан боғлиқ.

Бугунги кунда британияликларнинг ҳар 7 нафаридан бири айнан мигренга чалинган. Шу боис олимлар аҳолини пластикдан ясалган «микроволновка», шиша ва бошқа ошхона жиҳозларидан фойдаланмасликка чақирмоқда.

Канзас университети олимлари лаборатория усулида каламушлар билан тажриба ўтказишгач, шундай хулосага келишди. Яъни, ҳар уч кунда бир марта каламушларга «Бисфенол А» бирикмасини беришди. Ушбу модда истеъмолидан кейин бир соат ўтгач, кемирувчилар фаоллиги сусайди, шовқинни ёқтирмайдиган, ёруғликдан қочадиган ва қўрқоқ бўлиб қолди. Бу эса уларда кучли бош оғриғи пайдо бўлгани натижасидир.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда 5 миллионга яқин британиялик мигрен хуружидан азият чекади. Мигрен эркакларга қараганда аёлларда 3 баравар кўп учрайди.

Айни пайтда Европа Иттифоқидан ташқари Канада ва Хитойда ҳам чақалоқлар «бутилка»сини тайёрлашда «Бисфенол А»дан фойдаланиш тақиқланган.

## Бўй ўсиши



### уйқуга ҳам боғлиқ

Фанда шу нарса аниқланганки, болаларнинг фаол ўсиши икки ёшгача ва балоғат ёшига етиш даврида кузатилади, дея хабар беради «Аргументы и факты» ҳафтаномаси. Шу боис икки ёшгача бўлган гўдаклар ва ўсмирлар меъёрий ҳолда ўсишини истасангиз, уларнинг ўз вақтида уйқуга ётишини назорат қилинг. Негаки, олимларнинг тасдиқлашларича, улар кечки соат 9 дан кейин жисмоний фаол ҳолатда бўлмаслиги керак, яъни соат 9 да уйқуга ётишлари лозим. Чунки уларнинг организмида бўйни ўстирувчи гормонларнинг 70 фоизи кечки соат 22 дан 24 гача ва айнан тинч ухлаган пайтда ишлаб чиқарилади.

## Помидорнинг янги тури

### ҳосилдор ва мазали эмиш...

АҚШнинг Хантингтон шаҳридаги Колд Спринг Харбор лабораторияси олимлари бир неча йиллардан бери помидор устида илмий тадқиқот ўтказиши бесамар кетмади. Ниҳоят улар муваффақиятга эришди.

Ҳосилни кўпайтиришга ва унинг мазасини оширишга «жавоб берадиган» помидор гени аниқланди.

Захари Липпман етакчилигидаги олимлар гуруҳи мазкур генга таъсир кўрсатиш орқали ҳосилдорликни оширишнинг ва мевасига янада маза киритишнинг уддасидан чиқдилар. Улар ўз тажрибалари ҳақида «PLoS Genetics» журналида эълон қилдилар.

Аслида бундай ген мавжудлиги ҳақида 1930 йилларнинг охирида собиқ совет олимлари бонг уришган эди. Аммо қайси ген модификацияси айнан шунга «жавоб бериши» ҳақида аниқ тушунча беролмагандилар.

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

**Тошкентда «Давлат сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг салоҳиятини ошириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**



**Давра суҳбати қатнашчилари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича амалга оширилган ҳуқуқий эксперимент натижалари муҳокамасига алоҳида эътибор қаратди.**

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбирда жамоатчиликни мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик туб ўзгаришларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ижтимоий фаоллигини оширишга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан таништириш бўйича фикр алмашилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Г.Бобожонова ва бошқалар оммавий ахборот воситалари, аваламбор, нодавлат медиа тузилмалар фуқароларнинг ахборот соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлади. Улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтиришда фаол иштирок этмоқда.

Шу билан бирга, турли аҳоли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳиссаси ортиб бораётир. Сўнгги уч йилда бундай ташкилотлар 22 фоизга кўпайди ва айни пайтда уларнинг сони 6 мингдан ошди. Улар таълим, экология, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.



Тадбир давомида иштирокчиларга бу борада амалга оширилаётган давлат сиёсати ҳақида батафсил ахборот берилди, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларини янада яхшилашда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар саъй-ҳаракатларини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурслардан самарали фойдаланиш қоидалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқий-молиявий қўллаб-қувватлаш йўллари ва шакллари, соҳани ривожлантириш йўналишлари, «учинчи сектор» фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳудудий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш каби мавзуларда тақдимотлар ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида «учинчи сектор» фаолиятини ёритиш, матбуотда шу мавзуда чоп этилаётган материалларни таҳлил қилиш, журналистлар материалларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ёритиш хусусиятлари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давра суҳбати қатнашчилари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича амалга оширилган ҳуқуқий эксперимент натижалари муҳокамасига алоҳида эътибор қаратди. Мазкур услубнинг амалиётда қўлланилгани мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди. Синов давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самарадорлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, реал шароитларда ўтказилган ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳасини такомиллаштириш, уни самарали қўллашнинг механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жараёнига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлашга ёрдам берди.

Иштирокчилар жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар амалдаги ўттиздан зиёд қонунда, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экологияга оид қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қабул қилиниши кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг алоҳида аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Экспертлар жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, чунончи, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли, юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жамоатчилик назорати механизмлари, ҳуқуқий асослари, экологик назоратнинг асосий йўналишлари ҳақида кенг ахборот берди.

Таъкидлаш жоизки, давра суҳбати «Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик» халқаро лойиҳаси доирасида ўтказилган якуний тадбирдир. 2013 йилда ушбу лойиҳа доирасида Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларида семинарлар ташкил этилган эди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

Тадбир

**Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактабда 9-синф битирувчиларини муҳандислик ишлов бериш ва қурилиш соҳалари билан яқиндан таништириш мақсадида «Касблар ойлиги» ўтказилди.**

## Касб ўрганишни *хоҳлайсизми?*

Шу муносабат билан ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида бўлиб, таълим муассасаси фаолияти, бу ерда мавжуд шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда ўқувчилар ўзлари ясаган макет, слайд ва саҳна кўринишларини ҳам намойиш этишди.

— Ўқувчиларимиз ўртасида ўтказилган сўровномалар таҳлили кейинги йилларда ёшларимиз ўртасида муҳандислик ишлов бериш ва қурилиш соҳасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда, — дейди 69-мактаб касбга йўналтириш фани ўқитувчиси Шамсия Мамадиёрова. — «Касблар ойлиги»дан кўзланган мақсад ҳам ёшларимизга ўзларини қизиқтирган касблари бўйича янада кенгроқ маълумот бериш, бу борада улардаги кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Маълумки, «Касблар ойлиги» ҳамда «Касблар ҳафталиги» тадбирлари ота-оналар, маҳалла, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда. Ўз навбатида мазкур тадбирлар мактаб ўқувчиларини аниқ ва мақсадли касбга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Гулчеҳра НИЁЗОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

---

ОБ-ҲАВО *25-26 — 01. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | -3 / -8 | 0 / -5 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | -3 / -8 | 0 / -5 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | -3 / +2 | +3 / +8 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +1 / +6 | +8 / +13 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | -3 / +2 | +3 / +8 |
| *Тошкент шаҳри* | 0 / +2 | +4 / +6 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +13 / +13 |
| Париж | +10 / +9 |
| Москва | -15 / -13 |
| Мадрид | +15 / +17 |
| Пекин | +5 / +10 |
| Канберра | +27 / +31 |
| Рим | +11 / +11 |
| Афина | +16 / +14 |
| Токио | +12 / +10 |
| Стокгольм | -3 / -4 |
| Кейптаун | +27 / +29 |
| Қоҳира | +27 / +30 |
| Гавана | +25 / +28 |
| Вашингтон | -5 / 0 |

---

# БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР

*Республика Олимпия захиралари спорт коллежида тайёрланмоқда*

**— Бугунги кунда коллежимизда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 24 йўналиши бўйича ўз маҳоратини оширмоқда, — дейди коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Абдуманноб Нурматов.**

— Ўқувчиларга 23 нафар педагог-мураббий дарс беради. Спорт турлари бўйича 103 нафар мураббий меҳнат қилмоқда. Уларнинг 20 нафарга яқини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозларидир.

2012/2013 ўқув йилидан бошлаб коллежда иккита янги бўлим — от спорти ва таэквондо (WTF) йўналиши очилди. От спорти йўналиши бўйича таълим олаётган ёшларнинг назарий ва амалий машғулотларни тўлиқ ўташини таъминлаш мақсадида коллежда конкур майдони барпо этилди.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Шу кунларда яна иккита янги замонавий спорт иншооти — сунъий қопламали футбол майдони ва ёпиқ турдаги сузиш ҳавзасини қуриш, мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўтган йили коллеж ўқувчиларидан боксчи Жавоҳир Каримов, юнон-рум кураши бўйича Илҳом Баҳромов, эшкак эшувчи Владислав Потафеев, қиличбоз Малика Ҳакимова ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионатида Мирзобек Раҳматов, жаҳон биринчилигида Жавоҳир Мираҳмедов бронза медалини қўлга киритди. Қиличбозлик бўлими ўқувчиси Темур Абдувалиев қитъа чемпионатида учинчи ўринни эгаллади.

— Асли Асакаданман, — дейди Муштарий Абдураззоқова. — Тўрт йилдирки шу ерда таҳсил олиш билан биргаликда қиличбозлик бўйича ўз маҳоратимни ошириб келяпман. Ўсмирлар ўртасида бир неча карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим, халқаро турнирларда ғолиб чиқдим. Шу йилнинг 16-24 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида II Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси бўлиб ўтади. Ҳозир ана шу нуфузли мусобақага йўлланма берувчи халқаро турнирга тайёргарлик кўряпман.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари таркибида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган иқтидорли спортчиларнинг кўпчилиги ушбу коллеж ўқувчиларидир. Ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб қатнашган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибида тўп сурган Шоҳруҳ Раимов, Жамшид Болтабоев, Ойбек Эркинов, Исломбек Каримов, Равшан Ҳурсанов ва Жавоҳир Сиддиқовлар ҳам шу масканда таҳсил олишади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

---

Спорт

**Шу кунларда Уммонда футбол бўйича ёшлар (U-22) ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.**

## БОШ СОВРИН КИМГА *насиб этади?*



Мусобақа ярим финалининг дастлабки жуфтлик ўйинида Жанубий Корея — Ироқ футболчилари ўзаро баҳс юритишди. Унда ягона гол ироқликларга ғалаба келтирди — 0:1.

Иккинчи финалчи номи эса Иордания — Саудия Арабистони ёшлар терма жамоалари учрашувида аниқланди. Ҳужумкор руҳда кечган мазкур ўйинда Саудия Арабистони вакилларининг қўли устун келди — 1:3.

Чемпионат бронза медали соҳиби бугун маълум бўлади. Унда Иордания — Жанубий Корея футболчилари ўзаро куч синашади.

Эртага ўтказиладиган финал баҳсида Саудия Арабистони — Ироқ терма жамоалари майдонга тушади.

**Эркин ХОЛБОБО**

---

Реклама

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.
*Иш тартиби:* душанба-жума кунлари соат 9.00дан 18.00гача.
*Манзил:* Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
*Телефон:* 244-39-47, 244-50-54.
www.vinsanoat.uz

«Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси меҳнат фахрийси **Рустам ШОФУЛОМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 160
21183 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 00.40
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5